



БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Суванкулов А.Р.¹

Болиев А.А.²

¹ТМИ, и.ф.н.,

²ТМИ БҲН-3 гуруҳ магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6326149>

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi:17-fevral 2022

Ma'qullandi:22-fevral 2022

Chop etildi:27-fevral 2022

KALIT SO'ZLAR

бюджет ташкилоти,
бухгалтерия ҳисоби,
давлат молиявий
назорати, бюджет
назорати, ички нazorat
хизмати, ички аудит,
сметалар, даромад,
харажатлар.

Кириш.

Ҳозирги пайтда ҳам давом этаётган глобал пандемия шароитида бюджет тизими барқарорлигига эришиш, бюджет маблағларидан оқилона фойдаланиш муҳим масалалардан бири саналади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясида белгиланганидек, “харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганлигини сақланган ҳолда Давлат бюджетининг барча миқёсларида барқарорликни таъминлаш, барча бюджет тизимларининг даромад қисмини

ANNOTATSIYA

Ушбу мақола бюджет ташкилотларида давлат молиявий назорат усулларида бири ички аудит хизматини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари, асосий тамойиллари, усуллари ва хусусиятлари ҳақида ёзилган. Шу билан биргаликда мақолада бюджет ташкилотларида бюджет ҳисоби ва назоратини такомиллаштириш билан боғлиқ ҳозирги кундаги муаммолар ва уларни бартараф этиш учун тавсиялар ишлаб чиқилган.

мустаҳкамлашга йўналтирилган бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш” ва харажатлар ижросини назоратини ташкил этиш долзарб масала ҳисобланади.[3]

Ушбу ажратиётган бюджет маблағларининг самарали, оқилона ва қонуний сарфланиши албатта давлатнинг ўз олдига қўйган мақсадларига қисқа муддатларда сифатли эришишига замин яратади. Бюджет тизимида босқичма-босқич амалга оширилган ислохотлар натижасида Давлат бюджети ижросини амалга оширишнинг мукамал меъёрий ҳуқуқий ҳамда ташкилий асоси яратилди.



Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси[1], “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонун[2], “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Йўриқнома[9] ва бошқа бир қатор муҳим меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Давлат бюджети ижросининг ушбу меъёрий ҳужжатлар доирасида амалга оширилиши бюджет даромадлари ва харажатлари ўзаро мувофиқлигини таъминлаб келмоқда.

Ҳозирда аксарият мамлакатларда, хусусан, Ўзбекистонда мамлакат давлат сектори бюджет ташкилотларида ички аудит тизими жорий этиш жараёни амалга оширилмоқда. Ички аудит тизимининг жорий қилиниши нафақат бюджетнинг бош тасарруфчиси бўлган вазирлик ва идоралар томонидан давлат бюджети маблағлари мақсадли ишлатилишини, бюджет ташкилотлари самарадорлигини, мутахассислардан оқилона фойдаланиш, ахборот оқимлари ишончлилиги ва шаффофлигига эришиш, балки бу борада ваколатли ташкилотлар олдида тўлақонли ҳисоботларни таъминлаш ва шу орқали бошқарув тизимини янада такомиллаштириш имкониятини беради. Бюджет ташкилоти - давлат функцияларини амалга ошириш учун белгиланган тартибда давлат ҳокимияти органларининг қарорига кўра ташкил этилган, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан сақлаб туриладиган нотижорат ташкилотдир.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 27 август 2021 йилги ПФ-6300 сон Фармони [4] Давлат молиявий ресурсларини самарали бошқариш ҳамда бюджет маблағларидан мақсадли ва

оқилона фойдаланиш устидан давлат молиявий назорати тизимини такомиллаштириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга оид белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда ички аудит ҳизматини янада такомиллаштиришга қаратилган.

Ушбу Фармонга бинлан 2022 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан амалга ошириладиган назорат шакллари ва турларига қўшимча қуйидагилар амалиётга жорий этилди:

– бухгалтерия (бюджет) ҳисоби юритилишини, молиявий ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини, молиявий ресурслардан мақсадли ва қонуний фойдаланилганлигини ҳамда даромадларнинг тўлиқлигини, шунингдек, молиявий операцияларнинг қонунийлигини баҳолашни назарда тутувчи молиявий аудит;

– консолидациялашган ва жалб қилинган бюджет маблағларидан фойдаланишда, давлат харидларини амалга оширишда, шунингдек, даромадларнинг тўлиқлигини таъминлаш ва бизнес жараёнларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилинганлигини ва уларнинг давлат дастурларига мувофиқлигини текшириш ва баҳолашни назарда тутувчи мувофиқлик аудити;

– назорат объектида харажатлар, субсидиялар, имтиёзлар ва преференцияларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини, ажратилган маблағлардан фойдаланишнинг тежамкорлигини, белгиланган мақсадли кўрсаткичларнинг бажарилишини,



консолидациялашган бюджет ва жалб қилинган маблағлар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг мақсадга мувофиқлиги ва натижадорлигини, шунингдек, давлат ва ҳудудий дастурларнинг молиялаштириш манбалари билан таъминланганлигини баҳолаш ва таҳлил қилишни назарда тутувчи самарадорлик аудити жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини янада ошириш ва давлат молиявий назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори[8]га асосан Ҳисоб палатаси, Молия вазирлиги, вазирликлар ва идораларни ички аудит хизматларига бюджет қонунчилиги бузилишига алоҳида эътибор қаратиш юклатилди. Бунда бюджет ташкилотларида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни тўғри ҳисобланиши, давлат дастурига киритилган объектларда қурилиш ишларини мониторинг қилиш ва уларни назоратини ўтказиш, бюджет субсидияларини манзиллигини ва самарадорлигини баҳолаш, давлат харидлари талаблари ижросини назорат қилиш ва давлат қарзи ва грантлар ҳисобига амалга оширилаётган лойиҳалар самарадорлигини ўрганиш юклатилди. Барча ички аудит хизматларига 2022 йилдан назорат ишларини йиллик дастурлар доирасини амалга ошириш орқали мувафиқлаштириш топширилди.

Ўзбекистон Молия вазирлиги, Ҳисоб палатаси ҳамда Бош прокуратуранинг таркибидаги Молия вазирлиги ҳузуридаги давлат молиявий назорати департаменти негизда Давлат молиявий назорати инспекцияси ташкил этилди.

Молия вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан “Электрон назоратчи-тафтишчи” дастурий мажмуасини яратиш белгиланди.

Бюджет ташкилотларида ички аудит – ташкилот томонидан сметаларни тузиш ҳамда ижросини амалга оширишни қонунчилик ҳужжатларига риоя қилинишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш йўли билан назорат қилиш, молиявий ҳисобот маълумотларининг ишончлилигини таъминлаш, бюджет-смета интизомига риоя қилиш, маблағларни мақсадли ва оқилона сарфлашга йўналтирилган фаолиятдир.

Бюджет тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида, халқаро стандартлар талаблари асосида бюджет ҳисобини ташкил этиш ва юритиш тартиби такомиллаштирилиши натижасида бюджет ташкилотларида ҳисобни ташкил этишнинг қонунчилик асослари мамлакатимизда шакллантирилмоқда.

Адабиётлар шарҳи.

Профессор С.У.Меҳмонов қуйидагича таъриф беради: “Бюджет ташкилотларида ички аудит - ташкилот томонидан сметаларни тузиш ҳамда ижросини амалга оширишни қонунчилик ҳужжатларига риоя қилинишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш йўли билан назорат қилиш, молиявий ҳисобот маълумотларининг ишончлилигини таъминлаш, бюджет-смета интизомига риоя қилиш, маблағларни мақсадли ва оқилона сарфлашга йўналтирилган фаолиятдир.”[10]

Юкоридаги таърифда бюджет ташкилотларининг ички аудит хизматига умумий баҳо берилиб, унинг хусусиятини очиқ берган. С.У Меҳмоновнинг илмий изланишларида бюджет



ташкilotларининг ички аудит хизмати анъанавий тарзда ёритилганини кўриш мумкин.

Хусусан, Ҳамидова З.У. “Ички аудит текширувини ўтказишнинг бюджет муассасаларига мослаштириб қўйидаги турларга бўлиши лозим” деб ҳисоблайди.[11]

Россиялик олимлар П.П.Андреев фикрича: “бюджет ташкilotларида ички аудитни ички назорат тизимини баҳолаш ва унинг самарадорлигини оширишга қаратилган изчил ва тизимли ёндошувни куллаган ҳолда ташкilotнинг мақсадига эришишда раҳбарга ёрдам берадиган фаолият сифатида аниқлади. Ички аудит раҳбарга бошқаришда ёрдам беради, лекин, бошқарувчи ва ички назорат ўрнини боса олмайди”. [12]

Н.И.Даниленконинг фикрига кўра, ички аудит даромадлар олиб келадиган фаолиятдан олинган маблағлардан фойдаланган ҳолда бюджетни ҳисобга олиш ва смета ижроси тўғрисидаги ҳисоботнинг ишончилигини тасдиқлаш ҳисобланади.

Бу борада Н.И.Даниленко ўз эътиборини ички аудитнинг асосий вазифасига қаратади. Бундан кўриниб турибдики, ички аудит фаолиятининг мазмунини тўлиқ очиб бериш учун унинг бюджет ташкilotларида оладиган қўшимча вазифаларига алоҳида аҳамият берилиши лозим. [13]

А.Л.Колесникнинг фикрига кўра, ички аудитнинг асосий вазифаси давлат молиясини бошқариш ва молиявий булмаган активларни бошқариш жараёнларини ўрганиш, қарорларни қабул қилишда салбий таъсир кўрсатадиган омилларни ва шартларни аниқлаш, молиявий ва молиявий булмаган активларни ноқонуний, нотўғри, самарасиз

ишлатилишини таъминлайдиган қарорларни аниқлаш, салбий омилларни бартараф этиш ёки минималлаштиришга қаратилган тавсиялар, назорат ва рискларни бошқариш тизимларини ўрганиш жараёнини бошқаради.

А.Л.Колесникнинг фикрлари шуни кўрсатадики, ички аудит хизматининг назорат функцияси билан бир каторда унинг бошқарувчилик таҳлил қилиш, маслаҳат бериш, самарадорлик кўрсаткичларига асосий эътибор қаратилган.[14]

Ички аудит профессионал амалиётининг халқаро стандартларида ҳозирги кунда кенг миқёсда қабул қилинган мукамал таърифи “Ички аудит мустақил, холис, кафолатли ва ташкilot фаолиятини самарадорлигини ошириш мақсадида лойихалаштирилган маслаҳат фаолиятидир” деб баён қилинган.

Юқоридаги олимларнинг берган таърифлари янада кенгрок аҳамият касб этиб, мазмунан мукамал тузилган, дея оламиз. Бу таърифда унинг асосий вазифалари билан бир каторда унинг профессионал хизматларига ургу берилганини кўришимиз мумкин. Ички аудит хизмати фаолиятининг асосий мазмунини очиб беради деб ҳисоблаймиз.

Қисқача келтирилган ушбу таърифда ички аудитнинг деярли барча хусусиятларини узида камраб олганлиги унинг мукамаллигидан далолат беради. Энг эътиборли жиҳати, таъриф қисқача бўлишига карамай, мазмунан кенг ёритилган ва барча асосий жиҳатларни ўзида жамлаган.

Юқорида кўрсатилган маълумотлардан бюджет ташкilotларида ички аудит йўналишларини такомиллаштириш лозимлиги ўз исботини топмоқда. Бюджет ва бюджетдан ташқари



жамғармалари маблағларини самарали ҳаражат қилиш яъни оқилона ишлатилиши бюджет ташкилотларида ички аудит тизими тўғри ва тўлиқ йўлга қўйилганлиги билан чамбарчас боғлиқдир.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Бюджет ташкилотлари сметалари ижроси ҳолати жоимий таҳлили самарали йўлга қўйилмаганлиги оқибатида молиявий назорат органлари томонидан текширишлар ўтказилганда молиявий қонун бузилишлари, камчиликлар ва хатоликлар аниқланмоқда. Ушбу муаммоларнинг ечими бюджет ташкилотларида ички аудит хизмати фаолиятини ривожлантириш заруриятини келтириб чиқаради.

Бюджет ҳамда бюджетдан ташқари маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланишнинг ички назорати кўп жиҳатдан ички аудит тизимини фаолияти билан боғлиқ бўлади.

Бюджет ташкилотларида ички аудит ва молиявий назорат хизмати иқтисодий

ривожланган давлатлар амалиётида анча олдин жорий этилган бўлиб, бугунги кунга келиб яхши ривожланган ва ички аудитнинг бир нечта халқаро моделлари ишлаб чиқилган. Жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, бутун дунё тан олган халқаро ички аудит моделлари, ички аудит стандартлари, ахлоқ меъёрлари асосида мамлакатимиз иқтисодий мухитига мослаштириб, ички аудитнинг энг оптимал вариантда ташкил қилиш масалаларини кўриб чиқилмоқда.

Ички назорат тизимини самарали ташкил қилиш билан боғлиқ халқаро моделлардан фойдаланиб, уларни иқтисодий шароитга мослаштириб, амалиётда фойдаланиш учун намунавий модел ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқдир. Бу эса бюджет ташкилотларида бюджет маблағларини мақсадли ишлатилишини таъминлаб, уни режа асосида ижросини мунтазам назорат қилишни таъминлайди.

1- жадвал

Давлат молиявий назорати ҳамда ички аудит ва молиявий назорат¹

т/н	Флрклари	Давлат молиявий назорати	Ички аудит ва молиявий назорат хизматлари
1.	Назорат даврига кура	яқунланган давр учун назорат утказади	жорий давр учун мониторинг олиб боради
2.	Смета ҳаражатларини и назорати бўйича	бюджет ташкилотларининг смета ҳаражатларини тўғри сарфланганлиги юзасидан назорат олиб боради	бюджет ташкилотларининг ҳаражатлар сметасининг тўғри тузилиши юзасидан тавсиялар беради, ҳаражатлар сметасини тузишга ёрдам беради ва унинг мақсадли ишлатилиши юзасидан назорат олиб боради
3.	Ички назоратни ўрганиш юзасидан	ички назорат тизимининг тўғри ишлашини белгиланган йуриқномалар асосида	ички назорат тизимининг самарали ташкил қилинишига ёрдам беради, дои ми й назорат қилади

¹ Ҳамидова З.У. томонидан ишлаб чиқилган.



4.	Ҳисобот ва хулоса юзасидан	бюджет ташкилотларида юзага келган хато-камчиликлар ва қонунбузарликларни аниқлаб далолатнома тузад и ҳамда ташкилот раҳбарини огохлантиради	бюджет ташкилотларида қонунлар доирасида иш олиб бориш билан бир каторда юзага келиши мумкин бўлган рискларни олдини олишда ва камчиликларни бартараф этиш учун уз маслаҳат ва тавсияларини беради
5.	Рисклар юзасидан	бюджет ташкилотлари фаолиятидаги юзага келган рискларни аниқлайди ва баҳолайди	рискларни баҳолаб, уларни юзага келиш сабабларини ўрганиб, пасайтириш йўлларини аниқлайди

Ички аудит мустақил ва самарали бўлиши керак. Бунинг учун ички аудитор ўз мақсадларини аниқ белгилаб олиши, вазифаларини тўла ҳис этиши, ўз ишига масъулият билан ёндошиши ва етарлича ахборот ресурслари билан таъминланган бўлиши ва бошқарувнинг самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ҳамда текшурув жараёнларида асосли усулларга эга бўлиши лозим.

Ички аудитнинг усуллари моддий ва молиявий ресурслардан фойдаланишнинг самарадорлигини ўрганиш, активларнинг сақланиши ва мажбуриятларнинг ўз вақтида ижросини таъминлаш, хўжалик операцияларининг қонунийлиги, ҳаққонийлиги ва мақсадга мувофиқлигини таъминлаб бериш, шунингдек, ушбу операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун асос бўлиб хизмат қиладиган бошланғич ҳужжатлар билан расмийлаштирилишини ўрганиш мақсадида унинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш бўйича молиявий, иқтисодий, ташкилий, техник ва самарали услуб ҳамда чораларининг мажмуасидан иборатдир.

Хулоса ва таклифлар.

Хулоса қилиб шуни айтиш лозимки, юқорида келтирилган фикрлар ҳозирги вақтда ривожланган ва кўп функцияли

ички аудит тизимига бўлган эҳтиёжларнинг ортиб бораётганлигини тасдиқлайди.

Бюджет ташкилотлари муассасаларида ички аудит хизматига энг биринчи ёрдамчи сифатида қараладиган ички назорат тизимини самарали ташкил қилиш, бир томондан ички аудит хизмати ходимлари ишларини енгиллаштиради, иккинчи томондан, ташкилотнинг фаолиятини самарадорлигини оширади. Ички назорат тизимини тўғри ташкил қилиш энг аввало, ходимлар томонидан ўз вазифаларига виждонан ёндошиши билан ҳарактерланади.

Марказлашган ички аудит хизмати, одатдаги аудит хизматларидан уз вазифаси ва назорат ўтказиш тартиби билан фарқ қилганлиги боис, бюджет ташкилотларида ички аудит ўтказиш учун аудит ўтказиш кетма-кетлиги, усуллари, вазифаларнинг бажарилиш тартиби, мол-мулк ҳамда пул маблағларини кутилмаганда йукотишлар хавфини аниқлаш, рискларни баҳолаш тартиби, тавсия ва маслаҳатлар бериш тартиби, хулоса ёзиши ва назорат олиб бориш юзасидан услубий жиҳатлари кўрсатиб берилган, назоратнинг кетма-кетлик алгоритми ишлаб чиқилган. Назорат ўтказиш босқичлари ижро



назорати босқичини таклиф қилиш орқали такомиллаштириш лозимдир.

Бюджет ташкилотларида ички аудит хизмати фаолиятини янада ривожлантириш учун бюджет ташкилотларида давлат молиявий назорати томонидан утказилган текширувлар натижаси ички аудит ва молиявий назорат бошқармалари ташкил қилинган вазирликлар кесимида кенг ўрганилган, кўрсаткичлар таҳлил қилинган, йиллар кесимида таққосланган. Натижада уларнинг ўзаро ҳамкорликда фаолият олиб боришлари улар ишининг самарадорлигини ошириш асосланган. Бу ўзаро ҳамкорлик ички аудит хизматини янада ишончли ва самарали утказилишини таъминлайди.

Ички аудитнинг йўналишларига мувофиқ, турли чоралар амалга оширилиши мумкин. Жумладан, моддий қимматликлар билан бўладиган муомалаларни аудит қилишда қуйидагилар текширилади:

- активларнинг ҳисобда тан олинишининг тўғрилиги;
- моддий қимматликлар қолдиқларининг меъёрлар даражасида эканлиги;
- моддий қимматликлар сақланишининг таъминланганлиги, моддий-жавобгар шахсларнинг тайинланганлиги тўғрисидаги раҳбарнинг буйруқлари мавжудлиги, тўлиқ шахсий моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартномаларнинг мавжудлиги;
- моддий қимматликлар инвентаризацияси ўз вақтида ўтказилиши;
- моддий қимматликлар аналитик ҳисобини юритиш;
- моддий қимматликлар кирими ва ҳисобдан чиқарилиши ҳужжатлар билан

расмийлаштирилиши ва ҳисобининг тўғрилиги ва бошқалар.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида ички аудит тизими соҳасида энг асосий муаммолардан бири ички аудитнинг муҳим ва профессионал стандартлари тўлиқ ишлаб чиқилмаганидир.

Ички аудитор ўзининг тавсияларини раҳбар билан муҳокама қилишлари керак. Бу эса аксарият ҳолатларда келишмовчиликларни келтириб чиқаради.

Лавозимига содиқлигини кўрсатиш қобилияти ички аудиторнинг касбийлиги ва шахсий фазилатларига боғлиқ. Бироқ у ўз қарорларида ўз мустақиллиги ва холислигини сақлаб туриши ва ички аудиторнинг ахлоқий қоидалари ва ички аудит стандартлари бўйича раҳбарлик қилиши керак.

Бюджет ташкилотларида ички аудит доираси қуйидаги соҳаларни қамраб олиши керак:

- йиллик ва стратегик режаларда белгилаб қўйилган мақсадларга эришиш даражасини баҳолаш ва бюджет дастурларини режалаштириш ва амалга оширишнинг самарадорлиги;
- ташкилот ички назорат тизимининг самарадорлиги, бюджет дастурларини амалга ошириш натижалари, маъмурий хизматларнинг сифати ва назорат қилиш функцияларини бажариши;
- қонун ҳужжатларида белгиланган вазифалар, шунингдек, олий таълим муассасасининг функциялари ва вазифаларини бажаришга салбий таъсир кўрсатадиган таваккалчиликлари;
- ташкилотнинг молиявий ва бюджет ҳисоботларининг қонунийлиги ва ишончлилиги, бухгалтерия ҳисобининг тўғри юритилиши бўйича фаолиятини баҳолаш;



- ахборот ва давлат мулки бошқаруви тўғрисидаги қонунлар, режалар, процедуралар, шартномалар ва активларни зарарлардан ҳимоя қилиниши бўйича ташкилот фаолиятига баҳо бериш. Ички аудит ўтказган текширувлари бўйича натижаларнинг ишончилигини таъминлайдиган услублар, усуллар ва

амалиётлар ёрдамида аудит маълумотларини тўплашни, шу билан бир қаторда ички аудит хизмати ушбу объектлар, усул ва тартибларга қараб объектни ва аудиторлик тўғрисидаги ички ҳужжатларни талабларига мувофиқ амалга оширилишини таъминлаши лозим.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет Кодекси” (ЎЗР 26.12.2013 й. ЎРК-360-сон Қонуни билан тасдиқланган), <http://www.lex.uz>
2. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 13 апрелдаги ЎРК-404-сон “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуни, <https://www.lex.uz>.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. www.lex.uz.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 27 август 2021 йилги ПФ-6300 сон Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 августдаги ПФ-5147-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. www.lex.uz.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 03.12.2019 й. 967-сон "Олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини узи молиялаштириш тизимига ўтказиш тўғрисида"ги Қарори. www.lex.uz.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 августдаги ПК-3231 сонли “Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизминини ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори. www.lex.uz.
8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 21 декабр 2010 йилдаги 2169-сон “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йуриқномани тасдиқлаш хақида”га буйруғи. www.lex.uz.
9. Меҳмонов С.У. Бюджет ташкилотларида ички аудит фаолиятининг назарий ҳамда амалий жиҳатлари, “Иқтисод ва Молия” 2015 йил, №10
10. Меҳмонов С.У., Бюджет ташкилотларида ички аудит хизмати фаолиятини такомиллаштириш. “Молия ва банк иши” Электрон илмий журнали, 2-сон, март-апрель, 2019 й.
11. Ҳамидова З.У. “Бюджет ташкилотларида ички аудит фаолиятини ташкил қилиниши ва унинг самарадорлигини таъминловчи омиллар” “XXI аср: фан ва таълим масалалари” илмий электрон журнали. № 2, 2019 йил

Интернет сайтлар:



<https://www.lex.uz> - Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

<https://www.mf.uz> - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг раемий сайти.

<http://www.isaca.org/cobit/pages/default.aspx> - Cobit - аудиторлар учун дастурлар сайти.

<https://www.pefa.org/about> - халқаро PEFA ташкилотининг расмий сайти.

<https://www.pempal.org/ru/knowledge-product-list> - халқаро PEMPAL ташкилотининг расмий сайти.